

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН
ОБЪЕКТЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

**ШНҚ 3.01.04-19
(ўзгартиришлар билан)**

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2020

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН
ОБЪЕКТЛАРНИ ФОЙДАЛАНИШГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШ

АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

ШНҚ 3.01.04-19
(ўзгартиришлар билан)

Расмий нашр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ 2020

УДК 69.059

ШНҚ 3.01.04-19 “Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш. Асосий ҳолатлар”. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Тошкент ш., 2019.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН: ДАҚН ББ А.Х.Хидоятлов, В.В. Зайцев.

МУҲАРРИРЛАР: Ф.Ф.Бакирханов, О.М.Юлдашев, В.В.Зайцев, А.Т.Шермухамедов (Давархитектқурилиш).

ТАЙЁРЛАНГАН: “Давархитектқурилиш” қўмитасининг ДАҚН бош бошқармаси.

МУҲАРРИРЛАР: Б.С.Садиков, А.А.Муслимов, А.Р.Турапов, Э.А.Исаков (Қурилиш вазирлиги, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси).

ТАСДИҚҚА ТАЙЁРЛАНГАН: Техик меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси.

ТАСДИҚЛАНГАН: Қурилиш вазирлигининг 22.01.2020 й. 27-сонли буйруғи.

Ушбу таҳрирда “Давархитектқурилиш” қўмитасининг 25.06.2007 й. 59-сонли (1-сон ўзгартириш), шунингдек Қурилиш вазирлигининг 17.05.2018 й. 13а-сонли (2-сон ўзгартириш) ва 02.08.2019 й. 374-сонли (3-сон ўзгартириш) буйруқлари билан норматив ҳужжатига киритилган ўзгартиришлар инobatга олинган.

Норматив ҳужжатдан фойдаланишда Қурилиш вазирлиги ва “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда давлат стандартларига ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим.

ШНҚ 3.01.04-19 “Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш. Асосий ҳолатлар” Ўзбекистон Республикасида жорий этилиши муносабати билан ШНҚ-3.01.04-04 ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг рухсатсиз тўла ёки қисман чоп этилиши, кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНҚ 3.01.04-19
	Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш. Асосий ҳолатлар	ҚМҚ 3.01.04-04 ўрнига

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Ушбу шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (кейинги ўринларда ШНҚ деб юритилади) қурилиши тугалланган (қайта қурилган, кенгайтирилган, модернизация қилинган, техник қайта жиҳозланган) объектларни (корхоналарни, уларнинг айрим навбатларини, ишга тушриш комплексларини, бино ва иншоотларни) фойдаланишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2 Ушбу меъёрлар мулкчилик шаклларида қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилишлар олиб боровчи барча ташкилотлар (шу жумладан қўшма ва хорижийлар корхоналар) учун мажбурийдир.

1.3 Ушбу ШНҚ Ўзбекистон Республикаси давлат сирлари, Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурларига киритилган давлат аҳамиятига молик объектлар ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган яқка тартибдаги уй-жойлари қурилиши билан боғлиқ бўлган объектларга тадбиқ этилади.

1.4*Юридик ва жисмоний шахсларнинг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектларини, шу жумладан яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши объектларини фойдаланишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”да белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.5 Ушбу ШНҚда ўз аксини топмаган, махсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг ўзига хос бўлган ёки давлатлараро келишувлар ва шартномалар билан боғлиқ бўлган объектларни фойдаланишга қабул қилишда амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда вазирликлар ва идоралар томонидан Қурилиш вазирлиги, тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари ва манфаатдор давлат назорати органлари билан келишилган қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича идоравий (соҳавий) қоидалари талабларига риоя қилиниши лозим.

1.6 Корхона, цех, ишлаб чиқариш участкаси тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиши тугалланганида, бино ва иншоотларнинг зарурий мустаҳкамлиги ва барқарорлиги, ёнғин хавфсизлиги ва табиат муҳофаза қилиш тадбирлари таъминлангандагина фойдаланишга қабул қилиниши мумкин

1.7 Фойдаланишга тайёрланган, тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиши тугалланган объектлар буюртмачи (қурилиш эгаси, инвестор) томонидан ишчи ёки Давлат қабул ҳайъатларига тақдим қилиниши лозим.

Давлат қабул ҳайъатига тақдим этиш учун давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ёзма хабарнома йўланилганда лойиҳа ташаббускорига қурилиши тугалланган объектдан унинг мақсадлари бўйича фойдаланиш ҳуқуқий берилади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Техник меъёрлаш, янги технологияларни жорий этиш бошқармаси	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 22 январдаги 27-сонли буйруғи билан тасдиқланган	2020 йил 1 апрелдан амалга киритилган
---	---	--

1.8 Объектларни Давлат қабул (ишчи) ҳайъатларига тақдим қилгунга қадар буюртмачи (қурилиш эгаси) қуйидагиларни текширишлари лозим:

объектлар ва ўрнатилган ускуналарнинг лойиҳаларга мослигини;
бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мослигини;

ускуналарнинг синов ва комплекс ишлатиб кўриш натижаларини;
объектларнинг ишлатишга ва маҳсулот чиқаришга тайёрлиги, шу жумладан уларда техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига мувофиқ меҳнат шароитлари таъминланиши буйича тадбирларнинг бажарилганлигини;

ишлатиладиган материаллар, конструкцияларнинг, қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг радиацион сифати устидан идоравий назорат натижалари ва қурилиши тугалланган объектларда йўл қўйилиши мумкин бўлган радон концентрацияси тўғрисидаги далолатномаларни.

Радиациявий хавф бўлган, табиий муҳит, ҳудуд ва фавқулудда ҳолатлардаги хавфли омиллар таъсир кўрсатадиган ҳудудда яшайдиган аҳоли муҳофазасини таъминламайдиган қурилиш материалларининг қурилишда ишлатилиши тақиқланади ва фақат шундан кейингина ушбу объект Давлат ҳайъатига тақдим этиш учун қабул қилиниши керак.

Ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган объектларда ускуналарни ишчи маромларда синаш натижаси сифатида бошланғич даврларда лойиҳавий қувватларни ўзлаштириш меъёрларига мувофиқ ҳажмда, лойиҳада кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқариш қабул қилиниши лозим.

1.9 Алоҳида жойлашган ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи бино ва иншоотлар, аҳолини фуқаро ҳимояси иншоотлари (хоналари) объектни қуриш жараёнида ишга туширилиши лозим бўлганда, улар тайёр бўлиши билан ишчи ҳайъатлар томонидан фойдаланишга қабул қилиниб кейинчалик (ишлаб чиқариш объектлари учун ишчи ҳайъат далолатномаси соҳавий бўйсунуш бўйича юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланади) бутун объектни қабул қилувчи Давлат қабул ҳайъатига тақдим этилади.

Ишчи ҳайъатлар қурилиши тугалланган газлаштириш ва сув таъминоти тармоқлари объектларини (магистраль газ ва сув ўтказгич тармоқларидан ташқари), шунингдек қурилиши титулда шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган муваққат бино ва иншоотларни Давлат қабул ҳайъатларига тақдим этмасдан фойдаланишга қабул қиладилар (марказлашган маблағларга қурилганлари ҳам).

1.10 Ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган қурилиши тугалланган объектлар Давлат қабул ҳайъатлари томонидан улар фойдаланиш учун тайёр (фойдаланиш бўйича кадрлар билан жамланган, энергия ресурслари, хом ашё ва ҳоказолар билан таъминланган) ҳолдагина, камчиликлар бартараф этилган, шунингдек ўрнатилган ускуналарда бошланғич даврдаги лойиҳа қувватларини ўзлаштиришдаги меъёрларга мос ҳажмда, лойиҳада кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқаришни (хизматлар кўрсатишни) бошлаш шарти билан фойдаланишга қабул қилиниши мумкин.

1.11 Ўрнатилган тартибни бузган ҳолда лойиҳада кўзда тутилмаган ўзгартиришлар киритилган ишлаб чиқариш объектларини, шу жумладан ишга тушириш комплексларини фойдаланишга қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Истисно ҳоллардагина, ишга тушириш комплекслари таркибига Давлат қабул ҳайъати тайинлангунга қадар лойиҳани тасдиқлаган орган томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин. Бу ҳолда ишга тушириш комплекслари

таркибидан қуйидаги бино ва иншоотларни чиқариш ман этилади:

санитария-маиший объектлар, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига мувофиқ меҳнат шароитини таъминловчи;

атмосферага, сувга ва заминга тушаётган зарарли чиқиндиларни самарали тозалаш, уларни зарарсизлантириш, тутиб қолиш, шунингдек мелиоратив тадбирларни;

ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш учун мўлжалланган объектлар, кириш йуллари, алоқа тармоқлари;

атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи объектларни;

фавқулдда вазиятларни огоҳлантирувчи ҳамда аҳоли ва ҳудуд ҳимоясини таъминловчи тадбирларни.

Ишга туширилиши Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида кўзда тутилган, ишга тушириш комплексларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

1.12 Турар жой-фуқаролик мақсадлари учун мўлжалланган, қурилиши тугалланган объектлар Давлат қабул ҳайъатлари томонидан барча қурилиш-монтаж, ҳудудни ободонлаштириш ишлари бажариб бўлиниб, объектлар тасдиқланган лойиҳага мувофиқ тўлиқ ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангандан кейин, шунингдек ишчи ҳайъатлар аниқлаган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг қабул қилинади.

Турар жой ва жамоат бинолари лойиҳага мувофиқ хонадонларга муҳандислик ускуналари, иссиқ ва совуқ сув, газ, электр энергияси сарфи ҳисоблагичларини ўрнатиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишлар тугагандан сўнг фойдаланишга қабул қилинади.

Ипотека кредитлари ёки аҳолининг жамғарма маблағлари ҳисобидан қурилган турар жой бинолари хонадонларни ички пардозлаш ишлари шартномага кўра (суваш, бўяш, девор сиртини қоплаш), шунингдек яшовчиларнинг аризаларига кўра – сантехфаянс, ювиш раковинаси, иссиқ-совуқ сув аралаштиргич ва электр ускуналарини ўрнатмасдан) бажармасдан фойдаланишга топширилиши мумкин.

1.13 Тўрт ёки ундан ортиқ секциядан ташкил топган кўп секцияли турар жой бинолари, агар лойиҳада, капитал қурилиш дастури ва титул рўйхатида кўзда тутилган бўлса, конструкциялар монтажи тўлиқ тугалланиб, санитария-техник ва коммуникация тизимлари туташ секцияга улангандан кейин, шунингдек топширилаётган секцияга ёндош ҳудудни ободонлаштириш тугагандан сўнг, 1.12-банд талабларини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида секциялар тарзида фойдаланишга қабул қилиниши мумкин.

Қурилиши тугалланган турар жой бинолари, шунингдек корхоналар ва савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва носаноат хусусиятдаги эҳтиёжлар учун қўшилган, ёндан қурилган хоналарга эга бўлган кўп секцияли турар жой бинолардаги секцияларни ушбу хоналар билан бир вақтда қабул қилиш тавсия этилади.

Агар қўшилган, қўшилган-ёндан қурилган, ёндан қурилган хоналар бир нечта турар жой секцияларига тегишли бўлса, секцияни қабул қилиш ушбу секциянинг кўрсатилган хоналарида барча қурилиш-монтаж ишлари тугалланган ҳолдагина амалга оширилиши лозим. Бу ҳолда қўшилган, қўшилган-ёндан қурилган, ёндан қурилган хоналар охириги секция билан бир вақтда фойдаланишга қабул қилинади.

Охириги ишга тушириш комплексини фойдаланишга қабул қилиш бутун корхона ёки унинг навбатини қабул қилиш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим.

Комплекс таркибига кирувчи ва қурилиш жараёнида муваққат бино ва иншоотлар сифатида фойдаланиладиган алоҳида бино ва иншоотлар ишчи ҳайъатлар томонидан кейинчалик, уларни бутун комплексни қабул қилиб олувчи Давлат қабул ҳайъатига тақдим этган ҳолда фойдаланишга қабул қилинади.

Истисно тариқасида, йил фаслига қараб, турар жой-фуқаролик ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган қурилиши тугалланган объектларни қабул қилишда, ҳудудларни ободонлаштираш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш муддатларини кўчиришга рухсат этилади, рўйхати ва бажариш муддатлари Давлат қабул ҳайъати томонидан белгиланади.

1.14 Янги қуриладиган, кенгайтириладиган ва реконструкция қилинадиган объектлар канализациясининг тозалаш иншоотлари қувурўтказгич ва сифимли иншоотларни гидравлик синовдан, тоза ёки оқова сув юки остида давомий (камида уч сутка) комплекс синовдан ўтказгандан кейин, шунингдек барча иншоотларнинг ишдаги ўзаро таъсирини текширилгандан сўнг қабул қилинади.

Эслатма: Оқова сувларни биологик тозалашнинг технологик жараёнини сошлаш ишлари, тозалаш иншоотларини ҳавонинг нолдан юқори ҳароратида фойдаланишга топширилгандан кейин, ускунани техник эксплуатацияси қоидаларига мувофиқ бажарилади.

1.15 Давлат қабул ҳайъати далолатномаси тасдиқланган сана, объектни ишга тушириш санаси ҳисобланади.

1.12-бандга мувофиқ ишчи ҳайъати далолатномаси имзоланган сана қабул қилинадиган объектни ишга тушириш санаси ҳисобланади.

1.16 Давлат қабул ҳайъатининг далолатномаси шакли (6-илова) Давлат қабул ҳайъатини тайинлаган орган томонидан ишга тушириладиган объектнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

2.1 Буюртмачилар (қурилиш эгалари) қурилиши тугалланган объектни тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ва меъёрий талабларга мувофиқ ўз вақтида ишга туширишга тайёрлаш учун масъул ҳисобланадилар (қурилиши “фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш” шартларида амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно), қурилиши “фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш” шартларида амалга оширилганда эса – шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.2 Лойиҳа ташкилотлари ишга туширилган объектлар қувватлари ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларининг лойиҳада кўзда тутилган қувватлар ва кўрсаткичларга мувофиқлиги, шунингдек объектларни лойиҳалаш ва фойдаланишга қабул қилиш жараёнида юзага келадиган масалаларни ҳал қилиш учун масъулдир.

2.3. Илмий-тадқиқот ва келишувчи ташкилотлар лойиҳалаш учун улар томонидан янги технологик жараёнлар, ускуна ва материаллар соҳасидаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини ҳисобга олган ҳолда берилган бошланғич маълумотларнинг мувофиқлиги учун масъулдир.

2.4. Қурилиш-монтаж ташкилотлари:

қурилиш-монтаж ишларининг сифатли ва стандартлар талабларига жавоб берадиган сифатли материаллар ва конструкциялардан бажарилиши, шунингдек монтаж ишларининг лойиҳага мувофиқ ва белгиланган муддатларда бажарилиши;

ушбу ишларнинг сифати, улар томонидан монтаж қилинган ускуналарнинг яқка тартибда синовдан ўтказилиши, қурилиш-монтаж ишларини қабул қилишда ва технологик ускуналарни комплекс синовдан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилиши;

ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни лойиҳада белгиланган ҳажмда ўз вақтида ишга туширилиши учун масъулдирлар.

Қурилиш “фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш” шартларида амалга оширилганда шартномага асосан қўшимча масъулият юкланади.

2.5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг шаҳарсозлик тўғрисида қонун ҳужжатларини бузиш (ШНҚ (ҚМҚ) талаблари, қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидалари, бош режалар, аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларда реконструкция режаларини, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида даҳалар, мавзелар ва саноат зоналари ҳудудларини қуриш ва ободонлаштириш сифати, шунингдек бино ва иншоотларнинг меъморий ечимлари) учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2.6. Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш қоидалари бузилган ҳолларда Давлат қабул ҳайъати раислари ва аъзолари, шунингдек объектларни ушбу қоидаларни бузган ҳолда фойдаланишга қабул қилишга мажбур қилган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий, интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилади.

3. ИШЧИ ҲАЙЪАТЛАР, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИШЛАШ ТАРТИБИ

*(Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги
Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳудудий инспекцияларида
рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган объектлар учун)*

3.1. Ишчи ҳайъатлар буюртмачи ташкилот (қурилиш эгаси)нинг қарори (буйруғи, фармойиши ва ҳ.к.) билан тайинланади. Ишчи ҳайъатларнинг иш тартиби ва давомийлиги бош пудратчи билан келишилган ҳолда буюртмачи (қурилиш эгаси) томонидан белгиланади.

3.2. Ишчи ҳайъатларнинг таркибига буюртмачи (қурилиш эгаси)нинг вакили – ҳайъат раиси, фойдаланувчи ташкилотлар, бош пудратчи, субпудрат ташкилотлар, бош лойиҳачи, туман (шаҳар) қурилиш бўлимлари, санитария-эпидемиология осойишталиги марказлари, давлат ёнғин назорати органлари, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари, давлат меҳнат техник инспекцияси ҳамда қурилиши “фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш” шартларида амалга оширилган объектлар бўйича – танлов савдоларини ўтказиш консалтинг марказлари вакиллари киритилади.

1.9-бандда кўрсатилган бинолар, иншоотлар ва хоналарни фойдаланишга қабул қилишда ишчи ҳайъатлар ишига қўшимча равишда манфаатдор ташкилотлар ва назорат органлари вакиллари жалб этилади.

3.3. Ишчи ҳайъатлар бош пудратчининг объект ёки ускуналарни топширишга тайёрлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси келиб тушгандан сўнг беш кундан кечикмаган муддатда ташкил этилади. Ушбу ШНҚда ўз аксини топмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишилади.

3.4. Буюртмачи томонидан объектлар фойдаланишга қабул қилиш учун Давлат қабул ҳайъатига тақдим этилгунга қадар ишчи ҳайъатлар қуйидагиларни бажариши шарт:

а) бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг, шу жумладан бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкциялари ва қисмларининг тасдиқланган лойиҳага, санитария ва ёнғин хавфсизлиги талабларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқлигини, бажарилган ишлар сифатини текшириши, лозим ҳолларда эса конструкцияларнинг назорат синовларини ўтказиши;

б) якка синовлар ўтказилгандан сўнг ускуналарни комплекс синаб кўришга топшириш учун 1-иловада келтирилган шакл бўйича тузилган далолатнома асосида қабул қилиши;

в) технологик ускуналарни комплекс синовдан ўтказилгандан сўнг 2-иловада кўрсатилган шакл бўйича тузилган далолатнома асосида қабул қилиш ва уни Давлат қабул ҳайъатига тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиши;

Изоҳ: 2-иловага мувофиқ ускунани комплекс синовдан ўтказиш далолатномаси билан фақат лойиҳа кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этадиган технологик ускунанинг комплекс синовдан ўтказилиши расмийлаштирилади.

Лойиҳада кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқарилишига мос бўлган ускуналар (лаборатори, ошхона, савдо-маиший, муҳандислик таъминоти, қозонхона, шамоллатиш ва б.) якка синовдан (1-илова бўйича) ўтказилиши ҳамда бино ва иншоотнинг тайёрлигини белгилашда Давлат ҳайъатига тақдим этиш учун умуман (3-илова бўйича) қабул қилинган бўлиши керак.

Бу каби объектлар учун 3-иловадаги шакл бўйича далолатномани расмийлаштиришда 10-бандда “комплекс синовдан ўтказиш” сўзлари истисно қилиниши лозим.

г) Давлат қабул ҳайъатига фойдаланишга тақдим этилаётган ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган объектларнинг бошланғич даврда лойиҳа қувватларини ўзлаштириш меъёрларига мувофиқ ҳажмда лойиҳада кўзда тутилган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни бошлаш, узлуксиз ишлаши ва лойиҳа қувватларини меъёрий муддатларда ўзлаштириш учун тайёрлигини текшириш, шу жумладаи, объектнинг ишлатувчи кадрлар билан бутланганлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш учун технологик ҳужжатлар, энергия захиралари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар билан таъминланганлиги текширилиши лозим.

Ишчи ҳайъати мазкур банднинг “а” ва “г” кичик бандларида кўрсатилган текширишлар натижалари бўйича қурилиши тугалланган бино ва иншоотларнинг Давлат қабул ҳайъатига тақдим этиш учун тайёрлиги тўғрисида 3-иловада кўрсатилган шакл бўйича далолатнома тузиш, шунингдек объектнинг Давлат қабул ҳайъати томонидан фойдаланишга қабул қилинишига тайёрлиги тўғрисида тегишли жамлама материаллари тайёрлаши лозим. Буюртмачи (инвестор)нинг иқтисодий мазмундаги шартномавий мажбуриятларни бажариш бўйича пудратчилар билан ўзаро муносабатлари ишчи ҳайъат далолатномасини расмийлаштиришга тўсиқ бўла олмайди.

1.9-бандда кўрсатилган бино, иншоот ва хоналар ишчи ҳайъатлар томонидан 4-иловада кўрсатилган шакл бўйича тузилган, буюртмачи (қурилиш эгаси) томонидан тасдиқланган далолатнома асосида қабул қилинади.

3.5. Бош пудратчи ишчи ҳайъатларга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) бажарилган иш турлари ва бу ишларни бажаришда бевосита масъул муҳандис-техник ходимларнинг фамилияларини кўрсатган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда иштирок этган ташкилотлар рўйхати;

б) қабул қилиш учун тақдим этилаётган объект қурилиши учун лойиҳа ташкилотлари ишлаб чиққан, ҳақиқий бажарилган ишларнинг уларга ёки қурилиш-монтаж ишлари учун масъул шахслар томонидан киритилган ўзгартиришларга мослиги тўғрисидаги ёзув қайд этилган ишчи чизмалар комплекти, қурилиш тугалланган объектнинг ва ташқи муҳандислик коммуникацияларининг буюртмачи билан келишилган топографик сурати. Кўрсатилган ишчи чизмалар комплекти ижро ҳужжатлари хисобланади.

в) қурилиш-монтаж ишларида қўлланилган материаллар, конструкциялар ва буюмларнинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи сертификатлар, техник паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар;

г) ёпиқ ишларни текшириш далолатномалари ва айрим масъул конструкцияларни (кўприкларнинг таянчлари ва оралиқ қурилмалари, равоқлар, гумбазлар, таянч деворлар, кўтариб турувчи металл ва темирбетон конструкциялар ва ҳоказоларни) оралиқ қабул қилиш тўғрисида далолатномалар, шунингдек грунт, қурилиш материаллари ва конструкцияларни лаборатория синовлари натижалари;

д) монтаж қилинган усқунанинг якка синовлари тўғрисида далолатномалар; технологик қувурўтказгичлар, совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, газ таъминоти, иситиш ва вентиляция ички тизимлари, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти ва дренаж қурилмалари ташқи тармоқларининг синовлари тўғрисида далолатномалар; муҳандислик коммуникациялари бино ташқи деворларининг ер ости қисми орқали ўтган жойларда уларнинг кириш ва чиқиш жойларида лойиҳага мувофиқ зичлаш (герметизациялаш) бажарилганлиги тўғрисида далолатномалар;

е) телефон, радио, телевидение, сигнализация ва автоматизация қурилмалари синовлари тўғрисида далолатномалар;

ж) ички ва ташқи электр қурилмалари ва электр тармоқлари синовлари тўғрисида далолатномалар;

з) портлаш хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва чақмоқдан муҳофаза қилишни таъминловчи қурилмалар синовлари тўғрисида далолатномалар;

и) сейсмик ҳудудларда жойлашган тош биноларнинг кўтариб турувчи деворлари тахламидаги туташув мустаҳкамлиги синовлари тўғрисида далолатномалар;

к) ишларни бажаришни, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини қайд этиш журналлари, қурилиш даврида давлат ва бошқа назорат органлари томонидан ўтказилган тадқиқот ва текшириш материаллари;

л) қурилиш-монтаж ишлари сифатини тасдиқловчи кафолат паспорти.

4. ДАВЛАТ ҚАБУЛ ҲАЙЪАТЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИШ ТАРТИБИ

*(Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги
Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳудудий инспекцияларида
рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган объектлар учун)*

4.1 Жамоат ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган ноёб ва алоҳида муҳим объектлар, шу жумладан I классли ва стратегик аҳамиятга эга гидротехник иншоотлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлаган Давлат қабул ҳайъатлари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

4.2 Жамоат ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мураккаб объектлар, шу жумладан II, III, IV классли гидротехник иншоотлар, шунингдек тажриба объектлари, уларнинг нархидан қатъий назар, соҳалар бўйича тегишли

вазирликлар ва маҳкамалар тайинлаган Давлат қабул ҳайъатлари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

4.3 Идоравий мансублигидан қатъи назар, бюджет маблағлари ҳисобидан (шу жумладан ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан) қурилган турар жой бинолари, ётоқхоналар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари бинолари, шунингдек турар жой-фуқаролик мақсадлари учун мўлжалланган барча объектлар (4.1 ва 4.2-бандларда кўрсатилган объектлардан ташқари) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тайинлаган Давлат қабул ҳайъатлари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

4.4 Ушбу ШНҚнинг 4.1, 4.2 ва 4.3-бандларида инобатга олинмаган объектларни фойдаланишга қабул қилиш буюртмачилар тайинлаган Давлат қабул ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

4.5 Ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда Давлат қабул ҳайъатлари таркибига: буюртмачи (қурилиш эгаси), фойдаланадиган ташкилот, бош пудратчи, ҳокимият, бош лойиҳачи, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, санитария-эпидемиология осойишталиги Маркази, давлат ёнгин назорати органи, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи, давлат меҳнат инспекцияси вакиллари киритилиши шарт.

Шунингдек, Давлат қабул ҳайъатлари таркибига фойдаланишга киритилаётган объектнинг хусусияти ва ўзига хослигига қараб қуйидаги ташкилот ва идоралар вакиллари киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси – унинг назоратида бўлган объектлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда беҳатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (Давсувхўжаликназорат) – гидротехник иншоотлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (Ўзнефтьгазназорат) – нефть-газ саноати объектлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчиларни ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси “Ўзтемирйўлназорат” – “Ўзбекистон темир йўллари объектлари ва кириб келувчи темир йўл излари бўлган корхоналар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (Ўзэнергоназорат) – энергетика хўжалиги ва энергия истеъмоли юқори бўлган ишлаб чиқаришлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (Ўзкомназорат) – телекоммуникация ва алоқа объектлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси – агросаноат ва сув хўжалиги объектлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги – фуқароларни муҳофаза қилиш объектлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси – автомобиль йўллари қурилиши объектлари бўйича;

Ўзбекистон ногиронлар жамияти – жамоат мақсадлари учун мўлжалланган объектлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати – давлат аҳамиятига молик объектлар бўйича.

Лозим ҳолларда ҳайъат таркибига мураккаб ва ноёб ишлаб чиқариш технологияли объектлар бўйича технологик усқунани ишлаб чиқарган корхона вакиллари киритилади.

4.6 Турар жой-фуқаролик мақсадлари учун мўлжалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда Давлат қабул ҳайъатлари таркибига: хокимлик, буюртмачи (қурилиш эгаси), фойдаланадиган ташкилот, бош пудратчи, хокимият, бош лойиҳачи, туман (шаҳар) қурилиш бўлими, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси, санитария-эпидемиология осойишталиги Маркази, давлат ёнғин назорати органи, буюртмачи (қурилиш эгаси) касаба уюшмаси ёки тегишли касаба уюшмаси кенгашининг вакиллари киритилади.

Шунингдек зарурат ҳолларда Давлат қабул ҳайъатлари таркибига қуйидаги ташкилот ва идоралар вакиллари киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси (Давсувхўжаликназорат) вакили – сув йиғиш ва чиқариш билан боғлиқ объектлар бўйича;

Давлат меҳнат инспекцияси вакиллари – технологик усқунали объектлар бўйича;

Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилоти вакиллари – ижтимоий-маиший, жамоат ва турар-жой объектлари бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакили – қўшиб қурилган иншоот (хона) ёки алоҳида қурилатган фуқаролик муҳофазаси объекти бўйича.

4.7 Давлат қабул ҳайъатлари раислари этиб 4.1-бандда кўрсатилган объектларни фойдаланишга қабул қилишда Вазирлар Маҳкамасининг раҳбар ходимлари ёки аъзолари, ишлаб чиқариш технологияси мураккаб бўлган, шунингдек тажриба объектлар бўйича, уларнинг нархидан қатъи назар, буюртмачи вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимлари ёки уларга бевосита буйсунадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари тайинланади.

Жамоат ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун мўлжалланган объектларни фойдаланишга қабул қилишда Давлат қабул ҳайъатлари раислари этиб ушбу ҳайъатларни тайинлаган органларнинг масъул ходимлари, шунингдек бу ташкилотларга бевосита буйсунадиган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг масъул ходимлари тайинланади.

Турар жой-фуқаролик объектларини фойдаланишга қабул қилишда Давлат қабул ҳайъатлари раислари этиб ушбу ҳайъатларни тайинлаган органларнинг раҳбар ходимлари, шунингдек бу ташкилотларга бевосита буйсунадиган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари тайинланади.

4.8 Давлат қабул ҳайъатлари, қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган объектлардан ташқари, объектнинг хусусияти ва мураккаблигига қараб, уни белгиланган ишга тушириш муддатидан камида 3 ой олдин, турар жой-фуқаролик объектларини фойдаланишга қабул қилишда эса 1 ой олдин тайинланиши лозим. Бунда, объектларни ишга туширишнинг белгиланган муддатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳайъатлар ишини бошлаш ва тугатиш саналари кўрсатилган бўлиши керак.

Давлат қабул ҳайъатлари аъзоларини алмаштиришни (зарурат туғилганида) ҳайъатларни тайинлаган орган томонидан амалга ошириши мумкин.

4.9 Буюртмачи Давлат қабул ҳайъатларига 3.5-бандда кўрсатилган, шунингдек қўшимча қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

қабул қилиш далолатномаси ва ишчи ҳайъатлар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотнома;

фойдаланишга қабул қилинаётган объектнинг тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ва асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотнома;

фойдаланишга қабул қилинаётган объектни лойиҳалашда иштирок этган лойиҳа, илмий-тадқиқот ташкилотлари рўйхати;

ер участкасини ажратиш тўғрисида ҳужжатлар, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг рухсатномаси;

суддан махсус фойдаланиш учун берилган ҳужжат;

қурилиш учун геодезик режалаш асоси, шунингдек қурилиш даврида буюртмачи томонидан бажарилган геодезия ишлари учун ҳужжатлар;

қурилиш майдончасининг геология ва гидрогеологияси тўғрисида, грунт синови ва сизот сувлар таҳлили натижалари тўғрисида ҳужжатлар;

ускуна ва механизмларнинг паспортлари;

ишчи ҳайъатлар томонидан тузилган бино ва иншоотларни, монтаж қилинган ускуналарни қабул қилиш далолатномалари;

1.9-бандда кўрсатилган бино, иншоот ва хоналарни фойдаланишга қабул қилиш далолатномалари;

қабул қилинаётган объектни фойдаланувчи кадрлар ва уларга хизмат кўрсатувчи санитария-маиший хоналар, овқатланиш пунктлари, турар-жой ва жамоатчилик бинолари билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома;

қабул қилинаётган объектни моддий-техник ресурслар, шу жумладан хом ашё, электр энергияси, сув, буғ, газ, сиқилган ҳаво ва ҳоказолар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома;

шаҳар тармоқлардан фойдаланиш ташкилотларининг ташқи совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, электр таъминоти ва алоқа коммуникациялари объектдан нормал фойдаланишни таъминлаши ва улар томонидан хизмат кўрсатиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотномалар;

ишга туширилаётган қувватларнинг (лойиҳа қувватларини ўзлаштиришни бошланғич даврида) лойиҳада кўзда тутилган қувватларга мувофиқлиги тўғрисида маълумотнома;

буюртмачи ва пудратчи томонидан имзоланган қурилишнинг ҳақиқий нархи тўғрисида маълумотнома;

тегишли давлат назорат органлари назорати остидаги объектлар ва ускуналар фойдаланиш учун рухсат этилганлиги тўғрисида ҳужжатлар;

объектнинг Давлат қабул ҳайъати томонидан тўлиқ фойдаланишга қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида ишчи ҳайъатининг жамлама материаллари.

4.10 Объект фойдаланишга қабул қилингандан кейин 3.5 ва 4.9-бандларда санаб ўтилган ҳужжатлар буюртмачи (қурилиш эгаси)да; ягона буюртмачи (қурилиш эгаси) бўлганда – тегишли фойдаланувчи ташкилотларда сақланади.

4.11 Давлат қабул ҳайъатлари:

а) ишчи ҳайъатлар томонидан аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлигини ва объектнинг фойдаланишга қабул қилиш учун тайёрлигини танлаб текшириши;

б) объектнинг умумий технологик ва меъморий-қурилиш ечимларини прогрессивлигини баҳолаши;

в) ишга туширилаётган қувватлар ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун

мўлжалланган объект ҳақиқий нархининг (буюртмачи учун) ва объект қурилиши нархининг тасдиқланган лойиҳага мувофиқлигини текшириши ва тасдиқлаши ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли таклифлар бериши, лойиҳадан четга чиқишлар мавжуд бўлса, уларни вужудга келиш сабабларини таҳлил қилиши шарт. Таҳлил натижалари тегишли таклифлар билан бирга ҳайъатни тайинлаган органларга тақдим этилиши лозим.

4.12 Зарурат ҳолларда Давлат қабул ҳайъатлари 3.4-бандда кўрсатилган назорат танловлари, синовлар ва текширишларни белгилайди.

4.13 Объектнинг фойдаланиш учун яроқсизлиги аниқланганда Давлат қабул ҳайъатлари бу ҳақда ҳайъатни тайинлаган органга ўзининг асосланган хулосасини тақдим этади ва нусхаларини буюртмачи (қурилиш эгаси) ва бош пудратчига жўнатади.

Ушбу ҳолатларда Давлат қабул ҳайъатлари буюртмачи (қурилиш эгаси), пудратчи ва объектни лойиҳалаш ҳамда қурилишини амалга оширган бошқа ташкилотлар раҳбариятларига лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатсиз бажарилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун материалларни тақдим этади.

4.14 Объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома имзоланган пайдан Давлат қабул ҳайъатларининг ваколатлари тугайди.

4.15 Қурилиши тугалланган объектларнинг Давлат қабул ҳайъатлари томонидан фойдаланишга қабул қилиниши (5-бобда кўрсатилганларидан ташқари) 6-иловада келгирилган шакл бўйича тузилган далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларида рўйхатдан ўтган объектлар бўйича фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатномалар ҳайъат раиси ва ҳайъатнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва думалоқ муҳр билан тасдиқланади. Ҳайъатнинг айрим аъзоларида эътирозлар бўлса, улар ўзларининг фикрларини далолатномада имзолари билан биргаликда қайд этиш ҳуқуқига эга.

Далолатномаларда фақат фойдаланиш жараёнида аниқланиши мумкин бўлган нуқсонлар учун контракт (шартнома)га мувофиқ уларни бартараф этишнинг кафолатли муддатлари белгиланади.

4.16 Давлат қабул ҳайъати раиси Давлат қабул ҳайъатини тайинлаган органга:

а) объектни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатномани;

б) қабул қилиш далолатномасига ҳайъат аъзоларининг хулосаларига кўра объектнинг нормал фойдаланиш учун тайёрлиги, унинг фойдаланиш учун зарур моддий-техник ресурслар, шунингдек кадрлар ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган санитария-маиший хоналар, овқатланиш пунктлари, турар жой ва жамоат бинолари билан таъминланганлиги тўғрисида ҳайъат хулосаларини ўз ичига олган қисқача билдиришномани;

